

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи  
устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг  
2019 йил 19 май даги 3-сон буйруғи  
билин тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ “АГРОСАНОАТ  
МАЖМУИДА ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШ МАРКАЗИ”  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИННИНГ  
УСТАВИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда “корхона” деб юритилади) тижорат ташкилоти ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 575-сон қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

1.2. Корхона юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штампларга ва бланкаларга, товар белгиларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга.

1.3. Корхона тизимиға қуидагилар киради:

Корхонанинг марказий аппарати;

юридик шахс мақомига эга бўлмаган Корхонанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудий филиаллари.

1.4. Корхонанинг расмий тўлиқ ва қисқартирилган номи:

а) давлат тилида:

**тўлиқ номи** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси;

**қисқартирилган номи** - “Ўзагроинспекция” қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК.

**тўлиқ номи** - O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiysi qoshidagi “Agrosanoat majmuida xizmatlar ko’rsatish markazi” davlat unitar korxonasi;

**қисқартирилган номи** - “O’zagroinspeksiya” qoshidagi “Agrosanoat majmuida xizmatlar ko’rsatish markazi” DUK.

б) рус тилида:

**тўлиқ номи** - Государственное унитарное предприятие «Центр по оказанию услуг в агропромышленном комплексе» при Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

**қисқартирилган номи** - ГУП “Центр по оказанию услуг в агропромышленном комплексе” при “Узагроинспекции”.

в) инглиз тилида:

**тўлиқ номи** – State unitary company “Service Center in the agro-industrial complex” under the Inspection on the control of agro-industrial complex under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

**қисқартирилган номи** - SUC “Service Center in the agro-industrial complex” under the “Uzagroinspection”.

1.4. Корхонанинг жойлашган ери (поима манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Марказ - 14, 27-й.

1.5. Корхонанинг таъсисчиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда “таъсисчи” деб юритилади).

1.6. Корхона ўз фаолиятида қонун талабларига ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, таъсисчининг низомига, шунингдек ушбу уставга амал қиласиди.

1.7. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

1.8. Корхона таъсисчининг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган тижорат ташкилотларида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларда қатнашчи (аъзо) бўлиши мумкин.

1.9. Корхона бошқа давлат корхонасининг таъсисчиси бўлиши мумкин эмас.

## **II. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

2.1. Фойда олиш, таъсисчининг топшириқларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, шунингдек ушбу уставда кўрсатилган бошқа ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш корхона фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

2.2. Қўйидагилар корхона фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

аккредитация доирасига мувофиқ Агросаноат мажмуи маҳсулотлари (қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турдаги уруғлари ва кўчатлари, пахта толаси, момифи, техник чигити, момиқ пахта, ёғ, маргарин, майонез, шрот, шелуха, хўжалик совуни, дон, дуккакли-дон ва мойли экинлар, уларнинг уруғлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, оралиқ маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳамда агросаноат мажмуининг бошқа маҳсулотлари - кейинги ўринларда маҳсулотлар деб юритилади) синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

маҳсулотларга мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатлари бериш ишларини бажариш;

аккредитация доирасига мувофиқ синов ускуналарини метрологик аттестациядан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш;

пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момифи тойлари массаси назоратини амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта маҳсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта маҳсулотлари ташки кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг навдорлигини (нав соғлиги) тупроқда (тажриба майдонида) баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштиришда уруғчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, илмий муассасалар ва бошқа хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатиш;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон ва дон маҳсулотларини ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифатини аниқлаш ва сифат сертификатларини расмийлаштириш;

талаб қилинадиган аниқлик бўйича ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш;

маҳсулотларни классификациялаш ва маркетинг йўналиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникларини бошқариш ҳукуқини бериш, сервис хизмат кўрсатиш бўйича агросаноат мажмуи соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилишини таъминлаш;

агросаноат мажмуи соҳасига оид фаолиятни оммавий ахборот воситалари ҳамда интернет тармоғи орқали тарғибот қилиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техниклари, ўзиорар машиналар, қишлоқ хўжалиги техникларини рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгилари, техник паспорт ва гувоҳномаларни бериш, микдорининг (электрон) ҳисобини юритиш, ийллик техник кўрикдан ўтказиш ҳамда техникларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш (фақат конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган маҳсус техниклар, Ички ишлар органларида рўйхатга олинган транспорт воситалари, трамвай ва троллейбуслар, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизматининг техниклари бундан мустасно);

тракторчи-машинист гувоҳномасини ва огоҳлантириш талонларини бериш учун имтиҳонлар олиш ва тракторчи-машинист гувоҳномалари бериш;

мажбурий ижро бюроси, солиқ ва нотариал идора ҳамда бошқа ваколатли органларнинг ёзма сўровига асосан мелиорация ва йўл-қурилиш техниклари, ўзиорар машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникларини тақиқча олиш ва тақиқдан чиқариш.

**2.3. Корхона ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:**

сертификатлаштириш миллий тизими қоидалари ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотларни аккредитация доирасида синовларни ўтказади;

олинган синов натижаларини ўрганади, мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатларини бериш ёки уни бермаслик тўғрисида қарор қабул қиласди;

синов натижаларига кўра, номувофиқ деб топилган маҳсулотларга ушбу хақида далолатнома, таҳлил натижаси ва синов баённомаси тақдим этади;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон ва дон маҳсулотларини ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларнинг сифатини аниқлайди ва сифат сертификатларини расмийлаштиради;

аккредитация доирасига мувофиқ, ўтказилган метрологик аттестациялаш ишлари натижаси бўйича синов жиҳозларига аттестация гувоҳномасини расмийлаштиради;

пахта толаси ва момифи тойлари массаси назоратини амалга оширади;

пахта толаси, момифи ва техник чигити маҳсулотларининг ташки кўриниши стандарт этalon намуналарини истеъмолчиларнинг буюртмаларига асосан таъмирлайди ҳамда янгидан тайёрлайди;

уругликларни синовлардан ўтказади, элита уруғчилик хўжаликларида етиширилган пахта толаси намуналарининг технологик кўрсаткичларини аниқлайди, уруғлик пахта ва бошоқли дон экинларининг навдорлигини (нав соғлигини) тупроқда (тажриба майдонида) баҳолаш ишларини;

мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати ўтган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган ёки сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида сифати бузилган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларидан келгусида уруғлик сифатида фойдаланилмаслик бўйича тегишли хулосалар беради;

маҳсулотларнинг синаш усусларини ишлаб чиқади, зарур ҳолларда манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирларни амалга оширади;

маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашда белгиланган меъёрларнинг бузилиши ҳолатлари, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида технологик регламентларга риоя этмаслик ёки бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда тегишли ҳужжатларни инспекцияга тақдим қиласди;

маҳсулотлар учун техник регламентлар, миллий стандартлар ва техник шартларни ишлаб чиқиши жараёнларида иштирок этади;

республикага четдан келтириладиган уруғликларни тегишли сертификатлари, фитосанитария сертификати, карантин рухсатномасини талаб қилади ва улардан намуналар танлаб олади, таҳлиллар ўтказади, натижалари бўйича тегишли хужжатларни расмийлаштиради;

уругчилик соҳасидаги жаҳон ютуқларини жорий этади, халқаро стандартлар асосида уруғлар сифатини аниқлайди ва стандарт уруғларга мувофиқлик сертификатларини беради;

уругликларни экспертизадан ўтказади ва якуний хулосалар беради;

сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

маҳсулотларни классификациялаш ва маркетинг йўналиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникларини бошқариш хуқуқини бериш, сервис хизмат кўрсатиш бўйича агросаноат мажмуи соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилишини таъминлайди;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа уруғчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг уруғлик майдонларини апробация кўригига тайёрлашда шартнома асосида амалий ёрдам кўрсатади;

юқори авлодли уруғликлар етиштирувчи илмий муассасалар майдонларида мониторинг ўтказиш, тайёрланган уруғликлардан намуналар танлаб олиш ва таҳлил ўтказиш ишларини амалга оширади;

уругликларни қабул қилиш, жамғариш, сақлаш ва тайёрлаш жараёнларида иштирок этади, амалдаги йўриқномалар, регламентлар ва стандартлар талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланганда, Инспекцияга ахборот киритади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини сертификатлаш ва уларга стандарт талаблари бўйича ёрлиқларни уруғлик ишлаб чиқарувчиларга буюртма асосида етказиб беради;

Республикада жамғарилган уруғлик пахта ғарамларининг экинбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича дастлабки таҳлилларини амалга оширади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиорар машиналар ва қишлоқ хўжалиги техникаларини рўйхатдан ўтказади, давлат рақами белгилари,

техник паспорт ва техник гувоҳномаларни беради, миқдорининг (электрон) ҳисобини юритади, йиллик техник кўрикдан ўтказади ҳамда ускуналарни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаради (фақат конларда, шахта ва каръерларда кўлланиладиган маҳсус техникалар, Ички ишлар органларида рўйхатга олинган транспорт воситалари, трамвай ва троллейбуслар, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизматининг техникалари бундан мустасно);

тракторчи-машинист гувоҳномаси ҳамда огоҳлантириш талонларини бериш учун имтиҳонлар олади ва гувоҳномалар беради;

мажбурий ижро бюроси, солиқ ва нотариал идора ҳамда бошқа ваколатли органларнинг сўровларига жавоб беради, уларнинг сўровига асосан мелиорация ва йўл-курилиш техникалари, ўзиорар машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникарни тақиқча олади ва тақиқдан чиқаради.

**2.4. Корхона қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин.**

### **III. КОРХОНАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**3.1. Корхона зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:**

Корхона ўз фаолият мақсадлари ва соҳасига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар билан хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;

маҳсулотларни синаш натижаларига кўра синов баённомалари ёки мувофиқлик сертификатларини норматив ҳужжатларда ўрнатилган тартибда бериш;

дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига сифат сертификатларини ўрнатилган тартибда бериш;

ягона ўлчов бирлигини таъминлаш ва ўрнатилган қоидаларга асосан метрологик назоратни амалга ошириш бўйича ишларни бажариш;

ўрнатилган тартибда маҳсулотлардан намуналар олиш, олинган намуналарни буюртмачиларнинг мутахассислари иштирокида синовлар ўтказиш, зарур ҳолларда маҳсулот намуналарини қўшимча синовлардан ўтказиш учун корхонанинг тегишли бўлинмаларига юбориш;

айни бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг сертификатлаш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш, натижалари юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва техник жиҳатдан тартибга солища меъёрий ҳужжатлар талабининг бузилиши билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга таклифлар киритиш;

номувофиқлик аниқланганда, берилган сертификатлар ва мувофиқликни тасдиқлаш белгилари амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ишлиб чиқаришни ўрганища ёки маҳсулотни таҳлил натижаларига кўра номувофиқликлар аниқланганда, сертификатлашни рад этиш;

сертификатлаш тизимининг Ахборот ва услубий ҳужжатларини такомиллаштириш ёки ишлиб чиқиш бўйича таклифлар бериш, стандартлаштириш ва метрология соҳасида норматив ҳужжатлар тизимини яратища иштирок этиш;

хориждан кириб келаётган мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот турининг республикада тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлари бўлмагандан, унинг сифати ва хавфсизлиги бўйича сертификатлаш синовлари турдош маҳсулотларга бўлган талаблар ёки уларни идентификациядан ўтказган ҳолда санитар-эпидемиологик хулоса асосида амалга ошириш;

таъсисчи билан келишилган ҳолда ўз фаолияти учун зарур бўлган қурилиш ишларини амалга ошириш, биноларни харид қилиш ва сотиш ҳамда уларни ижарага беришни амалга ошириш;

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 3.2. Корхона қўйидаги мажбуриятларга эга:

Корхонага юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

Корхона фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш;

соҳани (тармоқни) ривожлантириш бўйича тадбирлар режалари ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлиб чиқиш ва уларни самарали амалга ошириш.

#### **IV. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ**

**4.1.** Корхона ўз фаолиятини қуи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга, шунингдек таъсисчига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида амалга оширади.

**4.2.** Таъсисчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуидаги хукуқларга эга бўлади:

Корхона директори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ улар билан меҳнат шартномасини тузиш;

Корхона фаолиятининг мақсад, вазифа ва функцияларини белгилаш;

Корхонанинг ушбу уставга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

Корхона уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

таъсисчи қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;

Корхонанинг мол-мулки ва соф фойдасини тасарруф этиш.

**4.3.** Таъсисчи қуидагиларга мажбур:

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида унинг устав фондини шакллантириш.

**4.4.** Корхона зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги хукуқларга эга:

Корхонанинг фаолият мақсадлари ва соҳасига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар билан хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;

маҳсулотларни синаш натижаларига кўра, норматив ҳужжатларда ўрнатилган тартибда синов баённомалари ёки мувофиқлик сертификатларини бериш;

дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига сифат сертификатларини ўрнатилган тартибда бериш;

стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларини ҳал этиш учун бошқа ташкилотлар мутахассисларини жалб қилиш;

маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ўрганишда номувофиқликлар аниқланганда, сертификатлаштиришни тўхтатиш ёки аввал берилган сертификатлар амал қилинишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш;

маҳсулотни таҳлил натижаларига кўра номувофиқликлар аниқланганда, сертификатлар берилишини рад этиш;

таъсисчи билан келишилган ҳолда ўз фаолияти учун зарур бўлган курилиш ишларини амалга ошириш, биноларни харид қилиш ва сотиш ҳамда уларни ижарага беришни амалга ошириш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**4.5.** Корхонани таъсисчи томонидан белгиланган тартибда тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор бошқаради.

**4.6.** Директор таъсисчи томонидан тайинланадиган тўртта ўринбосар, жумладан битта биринчи ўринбосарга эга.

Директор корхонанинг ижро органи раҳбари ҳисобланади ва корхона фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Директор бўлмагандан, унинг ваколатларини бажариш ўринбосарлардан бирига юкланди.

Корхона раҳбари яти корхона фаолияти бўйича таъсисчига ҳисобдордир.

Корхонанинг худудий филиаллари ҳамда йўналишлар бўйича лабораториялар бошликлари таъсисчи билан келишилган ҳолда корхона директори томонидан тайинланади.

Худудий филиаллар бошликлари корхона томонидан белгиланган тартибда бериладиган ишончнома асосида фаолият юритади.

## **V. КОРХОНА УСТАВ ФОНДИННИНГ МИҚДОРИ**

**5.1.** Корхонанинг устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга таъсисчи томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активлар жамини ифодалайди.

**5.2.** Корхона устав фонди 7 468 706 940 (етти миллиард тўрт юз олтмиш саккиз миллион етти юз олти минг тўққиз юз қирқ) сўмни ташкил қиласади.

**5.3.** Корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда, таъсисчининг қарори бўйича амалга оширилади.

## **VI. КОРХОНАНИНГ МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ**

### **6.1. Корхонанинг мулки:**

таъсисчи томонидан корхонага тезкор бошқариш хуқуки билан бириктирилган мулк;

Корхона фаолиятидан олинган даромадлар;

қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобидан шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати корхона мустақил балансида акс эттирилади.

Корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир, корхона ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

**6.2. Корхона мулки қўйидаги ҳолларда таъсисчи билан келишилган ҳолда корхона директори томонидан тасарруф этилади:**

асосий воситаларни сотиш, шу жумладан корхонага тегишли бино ва иншоотлар (жумладан, қурилиши тугалланмаган), уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш;

Корхонага тегишли бино ва иншоотлар (жумладан, қурилиши тугалланмаган) Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан реализация қилинади.

Корхонага тегишли бино ва иншоотларни (жумладан, қурилиши тугалланмаган) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағлар сифатида тақсимланади.

## **VII. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

**7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 марта ги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сонли қарорига мувофиқ, корхона томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.**

Корхона томонидан кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган тушумларнинг 30 фоизи таъсисчининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

7.2. Барча соликлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек корхонанинг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига белгиланадиган ажратмалар тўлангандан сўнг корхонанинг соф фойдаси ўз ихтиёрида қолади ва ундан таъсисчи билан келишилган ҳолда фойдаланади.

7.3 Корхона даромадини (фойдасини) тақсимлаш ва унинг заарларини қоплаш тартиби таъсисчи томонидан белгиланади.

## **VIII. КОРХОНА ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **8.1. Корхона директорининг ҳуқуқлари:**

Корхона номидан ишончномасиз иш кўриш, мамлакатимиздаги барча корхоналар, фирмалар ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалаш;

ходимларни мутахассислиги бўйича ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномалари тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар бериш;

кадрларни қайта тайёрлаш, кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, вазифалар, кўрсатмалар ва бошқа хилдаги топшириклар бериш;

таъсисчи томонидан тасдиқланган ташкилий тузилма доирасида у билан келишган ҳолда Корхона ходимлари штатлар жадвалини тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш;

Корхонанинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда Корхона манфаатларини кўзлаб иш кўради.

### **8.2. Корхона директорининг мажбуриятлари:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, таъсисчи низомига, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Корхона фаолиятини самарали юритилишини ташкил этиш, иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;

Корхона фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш ва ходимлар томонидан топшириқларни ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилиши устидан шахсий жавобгарликни ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

Корхона тизимидағи ходимларни ўрнатилган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

сертификатлаштириш, таснифлаш ва маҳсулотларни синаш усуллари бўйича мутахассисларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш, малакасини ошириш), Корхона ходимларининг кадрлар захирасини шакллантириш ва малакасини ошириш ишларини амалга ошириш;

ташкилий тузилмага асосан Корхона ходимларининг лавозим мажбуриятлари ва вазифаларини белгилаш;

Корхона фаолиятининг алоҳида соҳа йўналишларига раҳбарлик қилувчи ўринbosари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хукумат тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Директор мазкур Уставда Корхонага юклатилган вазифа, функция ва мажбуриятларнинг бажарилишига, Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга доир ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг белгиланган нормалар асосида ҳисобланиши, пул маблағларини мақсадли сарфланиши учун ўзининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан корхонага етказилган зарар, шу жумладан давлат мулкига зарар етказилганда ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

## **IX. ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ**

9.1. Корхона ҳисобот даври тамом бўлгандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли органларга молиявий ҳисоботни тақдим этади, ҳужжатларнинг ўрнатилган тартибда сақланиши ва уларни Давлат архивига сақлаш учун топширилишига жавоб беради.

9.2. Корхона фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсисчи ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

9.3. Корхона бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳаққоний юритилиши, шунингдек тегишли органларга даврий ва бошқа ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик директор ва молия-иктисодиёт бошқармаси бошлиғи з иммасига юкланди.

9.5. Корхона фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсисчи, солиқ ва молия органлари, шунингдек зарур ҳолларда шартнома асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиши мумкин.

## **X. КОРХОННИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

10.1. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда таъсисчи корхонанинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

10.2. Корхона таъсисчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **XI. КОРХОННИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ТУМАНДАГИ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

11.1. Корхонанинг ҳудудий филиаллари ва тумандаги бўлинмаларининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудларида Корхонага юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш;

аккредитация соҳасига асосан, амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотларни барча турдаги синовлардан ўтказиш;

синовлар натижаларининг аниқлиги, холислиги ва ишончлилигини таъминлаш;

янги ҳосилга тегишли типик тўдалардан олинган намуналар бўйича бошоқли дон экинларининг товар ва технологик хусусиятларини ўрганиш;

синовлар натижалари ва ҳисобот маълумотларини ўз вақтида ҳамда ҳаққоний тақдим этиш;

ваколат доирасида маҳсулот сифатига тегишли мунозарали масалаларни ҳал қилиш;

корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

11.2. Корхонанинг худудий филиаллари бошлиqlари мазкур Уставда Корхонага юклатилган вазифа, функция ва мажбуриятларнинг бажарилиши, ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида корхонага етказилган зааралар, шу жумладан корхона томонидан филиалга бириктирилган давлат мулки ва товар-моддий бойликларининг йўқотилиши ҳамда мақсадсиз ишлатилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.


11.3. Корхона ўзининг вазифа, функция ва мажбуриятларини марказий аппарат ҳамда худудий филиаллари орқали ҳам амалга оширади.

## **XII. КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ**

12.1. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш таъсисчи қарорига асосан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ёки суд қарори билан амалга оширилади.

12.2. Корхона тугатилганда унинг фаолияти ҳукуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ҳукуқий ворис сифатида ўтказилмасдан тўхтатилади, мол-мулки таъсисчига ўтади, қайта ташкил этилганда унинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳукуқий ворисига ўтади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги  
“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_-сонли буйруғига  
—илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Қорақалпостон Республикаси филиалининг ташкилий тузилмаси**



Қорақалпостон Республикаси худудий филиали  
бошкарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг  
умумий сони 105,5 бирлик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлиғининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Андижон вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлиғининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Бухоро вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Жizzах вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйргугига

\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Қашқадарё вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Навоий вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Навоий вилояти ҳудудий филиали бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг умумий сони 56,5 бирлик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Наманган вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_-сонли буйруғига  
—илова


**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Самарқанд вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Самарқанд вилояти худудий филиали бошқарув  
ва ишлаб чикариш ходимларининг умумий сони  
103,5 бирлик.

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйруғига  
—илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Сирдарё вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова


**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Сурхондарё вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_-сонли буйруғига  
—илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Тошкент вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлигининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_-сонли буйруғига  
—илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Фарғона вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат  
қилиш инспекцияси бошлиғининг

2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли буйруғига  
\_\_\_-илова

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасининг  
Хоразм вилояти филиалининг ташкилий тузилмаси**

